



# Saiga News



2005 йил қиш фасли: 2-сон

В. Смирин чизган расм

Сайғокнинг экологияси ва кўриқланиши масаласи бўйича инфор­мацион алмашиш учун 5-тилда нашр этилади

## Мундарижа

### Асосий мақола - 1 бет

Э. Дж. Милнер-Гулланд Ниҳоят сайғокни сақлаш бўйича ўзаро тушуниш ҳақидаги Меморандумга имзо чекилди!

### Янгиликлар - 2-3 бет

Сайғок шохлари савдосини сақлаш ва бошқаришига оид масалалар Хитойдаги СИТЕС учрашувида муҳокама қилинди.

Дарвин Ташаббуси ва СИТЕС лойиҳалари иштирокчиларининг сайғок бўйича Москвадаги учрашуви.

Россияда бўлиб ўтган кенгаш иштирокчилари сайғокни сақлаш бўйича шошилинч чоралар қабул қилиш зарурлигини янада таъкидлаб ўтдилар.

АҚШнинг балиқ ва еввойи қушлар хизмати, Россияда сайғокни сақлаш бўйича қилинаётган ҳаракатларни қувватлайди.

Сайғок янги хомийга эга бўлди.

Россияда сайғок тўғрисида янги ҳужжатли фильм кўрсатилди.

Россия божхона хизматчилари Монголияга сайғок шохларини ноқонуний олиб чиқишни тўхтатиб қолдилар.

Браконьерлар тегишли жазо олдилар.

Қозоғистонда сайғокни сақлаш бўйича программа қабул қилинди.

### Матбуот шарҳи - 3-4 бет

Чжи Юн "Йўқолиб бораётган тур икки томонлама ердам олмоқда", China Daily, 2005 й. 31 май

Сергей Наумов "Сайғоклар ва одамлар ҳақида", Tribune-uz, 2005 й. 22 август.

"Чўл маликаси" ердамга мўхтож Қазақстанская Правда, 2005 й. 12 сентябр

### Лойиҳалар шарҳи - 7 бет

Марказий Осиёда Экологик тармоқ (Эконет)нинг яратилиши

Қозоғистонда "SOS - сайга" лойиҳаси амалга оширилмоқда

Шимоли-Ғарбий Каспийолдида сайғокларни йўлдош орқали кузатиш

### Янги нашриётлар - 8 бет

## Ниҳоят сайғокни сақлаш бўйича ўзаро тушуниш ҳақидаги Меморандумга имзо чекилди!

Кўчма турлар бўйича Конвенция (CMS) си томонларининг 8чи конференциясида сайғокни сақлаш соҳасида аҳамиятли воқеа бўлиб ўтди. 2005 йил 25 ноябрда сайғок ареали мамлакатлари орасида сайғокни сақлаш бўйича Ҳамжиҳатлик Меморандуми (ХМ)га имзо чекилди.

ХМга кўра, унга қўл кўйган томонлар: сайғокни самарали муҳофаза қилиш ва унинг яшаш жойларини сақлашни; сайғокни яшаш жойлари ва популяцияларини тиклаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишни; регионал стратегияларни амалга ошириш йўлида халқаро ҳамкорликни кучайтиришни; инфор­мацион алмашувига кўмаклашишга; ХМнинг бажарилишига ваколатли ташкилот тузиш ва унинг бажарилишига мониторинг ўтказишни; бажарилган иш ҳақида CMSга ҳисобот беришни ўз зиммаларига оладилар. ХМ, Эта ёки ундан кўпроқ мамлакатлар унга қўл кўйган вақтдан кучга қиради, бизнинг ҳолда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон.

Найробидаги учрашувда Туркменистон ХМга имзо чеккан ягона томон бўлиб қолди. Бошқа имзо чекувчилардан Монголия, IUCN, WWF, овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш Халқаро кенгаши ва CMS Секретариатлари бўлди. ХМ Ўзбекистон вакили билан келишилган. Ўзбекистон Берлинда ўтадиган маросимда ҳужжатга расмий имзо чекишни режалаштирган.

ХМ имзоланиши, кўпгина ташкилотлар ва одамларнинг бу мақсадга эришиш йўлидаги тинимсиз машаққатли меҳнати тўғрисида ўзундан-узоқ оғир йўлнинг яқунланиши бўлиб қолади. Булар ичида Роб Хелворт (Rob Herworth) ва Лайл Глава (Lyle Glowka), CMS; Холи Дублин (Holly Dublin), IUCN-SSC; Робин Шарп (Robin Sharp), барқарор фойдаланиш бўйича IUCN-SSC Европа мутахассислар гуруҳи; Сью Либерман (Sue Lieberman), WWF-International; Анна Лушчекина ва Валерий Неронов, МАБ/ЮНЕСКО Россия қўмитаси ва Елена Крейцберг, Марказий Осиё учун Атроф муҳит бўйича регионал маркази. Улар ва ХМ имзоланиши тезлаштириш устида тинмай ишлаган бошқа кўпчилик, сайғокни муҳофазасида манфаатдор бўлган Халқаро бирлашманинг миннатдорчилигига сазовор бўлдилар.

ХМ Элистада (Қалмоғистон) 2002 йилда сайғок муҳофазаси бўйича бўлиб ўтган халқаро кенгашининг ташаббуси. Бу кенгаш бажарилиши ХМга мақсад бўлган CMS учун сайғокнинг муҳофазаси бўйича ҳаракатлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқди. ХМни имзолаш йўлида кўп тўсиқлар ва умидсизликлар бўлди ва бу жараён хали ҳам яқунланмаган, яқунланиши учун бошқа иштирокчи-мамлакатларнинг имзоси керак. Монголияни имзо чекувчилар рўйхатида бўлиши - сўзсиз ютуқдир, аммо унинг сайғокни муҳофаза қилишдаги халқаро жараёнига бундан кейинги интеграциясини таъминлаш зарур. ХМ яқинда кучга қиради деб фараз қилайлик. Бу қандай қилиб сайғокнинг муҳофазасига таъсир кўрсатиши мумкин? Турни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорликни мустақамлаш учун шароитлар яратишда, уйғунлаштирилган ҳаракатларда иштирок этиш учун халқаро НПО, ареал мамлакатларини ва қилинган ишлар ҳисоботини тақдим этишда ХМнинг фойдаси бўлиши аниқ. унинг янги имкониятларни очишига ва инвестиция жараёнини фаоллаштиришига умид қилиб қоламиз. Сайғокни муҳофаза қилишга давлат даражасида кўмак олинганлигини аниқлаш CMSни янада самарали ҳаракат қилишига имконият яратади.

Келажакда самарали иш олиб бориш учун жойларда сайғоклар муаммосини замонавий баҳолаш ўтказиш зарур, бу ўз навбатида уни муҳофаза қилиш шароитини кафолатлаб, ареал мамлакатлари томонидан инициацияланиб ХМ мавқеи билан айнан мувофиқлашади. Қайси бир ҳаракатлар таъсирлироқ ва бир биридан фарқлангани тўғрисида ҳам фикрлар бўлади. Менинг фикримча ноқонуний овчиликни йўқ қилиш олдида сайғокларнинг яшаш жойларини муҳофаза қилиш келажакда катта эътиборга эга бўлмайди. Умуман олганда Сайғокларнинг яшаш жойлари илгарига нисбатан ҳозир яхши ҳолатда бўлсада, ҳанузгача браконьерлик қилиш каби жараёни бартараф қилингани йўқ. Шунингдек ХМ имзоланиши ва келажак фаолияти сайғокларни муҳофаза қилиш жараёнига янги иштирокчиларни жалб қилиш имкониятини очиб бериши мумкин. Шундай қилиб, ХМ сайғокларни муҳофаза қилиш йўлида кескин бурилиш бўлишига умид қилиб кўтишимизга, ҳамда келажакда улар ареалидаги мамлакатларнинг барчасида турларнинг аҳволига режалаштирилган замонавий инвестиция реал ва узоқ таъсир кўрсатишини кутамиз.

Э. Дж. Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон

Ушбу мавзу бўйича материалларни <http://www.iisd.ca/cms/cop8/nov23.html>

[http://www.panda.org/news\\_facts/newsroom/index.cfm?uNewsID=51880](http://www.panda.org/news_facts/newsroom/index.cfm?uNewsID=51880) да топишингиз мумкин.

on the move to  
**2010**



Р. Хелворт (CMS) ва М. Акмурадov (Туркменистон) сайғок бўйича ХМга имзо чекишдан кейин орқа қаторда Ўзбекистон ва Монголия делегатлари, Овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро Кенгаши, IUCN, WWF International вакиллари. <http://www.iisd.ca/cms/cop8/nov23.html> сайтдан олинган сурат

**Редакцион коллегия.** Буюк Британия: Э. Дж. Милнер-Гулланд, Лондон Империял Колледж ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)); Хитой: А. Канг, WCS Хитой ([yqiling@online.sh.cn](mailto:yqiling@online.sh.cn)); Монголия: Б. Лхагвасурен, Биология институти ([ecolab@magicnet.mn](mailto:ecolab@magicnet.mn)); Россия: Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси еввойи ҳайвонлар Маркази ([kalmisaigak@elista.ru](mailto:kalmisaigak@elista.ru)) ва А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru)); Туркменистон: Дж. Сапармуратов, Сахро, ҳайвонот ва ўсимлик дунеси Миллий институти ([sjuma@untuk.org](mailto:sjuma@untuk.org)); Ўзбекистон: Е. Бикова ва А. Есипов, Зоология институти ([esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz)).

**Материалларингизни 5 тилнинг бирида юборишингизни таклиф қиламиз. Илтимос, [esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz) адресига еки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень йилига 2 марта чакади.**

Бу нашрдан Online <http://saigak.biodiversity.ru/publication.html>, [www.iccs.org.uk/saiganews.htm](http://www.iccs.org.uk/saiganews.htm) ва <http://wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf>, ва яна pdf да еки талаб бўйича инглиз, қозоқ, хитой, монгол ва рус тилидаги матндан фойдаланишингиз мумкин.



молиявий ердамида чоп этилади

Биргаликда маблағ билан таъминлаш:



## ХАЛҚАРО ВА РЕГИОНАЛ ЯНГИЛИКЛАР



Convention on International Trade in  
Endangered Species of Wild Fauna and Flora

### Сайғоқ шохлари савдосини сақлаш ва бошқаришига оид масалалар Хитойдаги СИТЕС учрашувида муҳокама қилинди

2005 й. 31 август куни Пекинда (Хитой) СИТЕС Секретариатининг сайғоқни сақлаш ва савдоси бўйича кенгаши бўлиб ўтди. Унда СИТЕСнинг «Ипак йўли» (22-24 август 2005й., Хитой, Урумчи ш.) программасини амалга оширишга қаратилган халқаро семинарнинг тавсиялари кўриб чиқилди. Учрашув вақтида турли давлат ташкилотларининг (ХХР Давлат Урмончилик Қўмитасининг табиати сақлаш бўлими, ХХР ДЎК қошидаги СИТЕС вакиллиги, Озиқ-овқат ва дори воситалар Давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Аньнанавий Хитой Медицинаси (TCM - Traditional Chinese Medicine)нинг Давлат қўмитаси, шунингдек Хитой еввойи табиатини сақлаш Ассоциацияси, Йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остидаги турлар бўйича Хитой Давлат комиссияси ва Табиатни муҳофаза қилиш халқаро жамияти) вакиллари браконьерликни тўхтатишда, аньнанавий хитой дори воситаларини ишлаб чиқаришни бошқаришда ва шу билан бирга сайғоқ шохлари бозорини тартибга солишдаги ҳукумат томонидан қилинаётган ҳаракатлар натижалари билан таништирилди. Кенгаш Резолюциясига сайғоқни сақлаш ва унинг дериватларини сотиш бўйича қуйидаги тавсиялар киритилди:

1. Янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва ўрнини босувчи воситалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тавсия этиш;
2. Сайғоқнинг ҳозирги вақтдаги аҳоли ҳақида информацияни шифокорларга етказиш ва шохларидан фойдаланишни чеклаш;
3. Хитойда сайғоқ шохлари запасини баҳолаш ва бозорни назорат қилиш учун маркировка тизимини ўрнатиш;
4. Аньнанавий хитой медицинанинг эҳтиёжларини қондириш учун сайғоқни тутқинликда кўпайтиришни амалга ошириш.

Кўшимча информация учун [yqing@online.sh.cn](mailto:yqing@online.sh.cn), Аили Кан (Aili Kang)га мурожаат қилинг.

### Дарвин Ташаббуси ва СИТЕС Лойиҳалари иштирокчиларининг сайғоқ бўйича Москвадаги учрашуви

2005 й. 15-16 август кўнлари Москвада ИНТАС «сайғоқнинг репродуктив экологияси» ва Дарвин Ташаббуси «Сайғоқ муҳофазасини қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда кўлланиши» лойиҳалар иштирокчиларининг келажақдаги ҳамкорлик режалари ва эришилган натижалари музоқараси бўйича Халқаро кенгаши бўлиб ўтди.

Қалмоғистон Республикаси Экологик лойиҳалар маркази томонидан бажарилаётган маориф ва жамиятни хабардор қилиш соҳасидаги дастурлар натижалари ҳақида (Р. Меджидов), «Степной» кўриқхонаси егерларининг браконьерларга қарши ҳаракатлари тўғрисида (А. Хлуднев) ва Қалмоғистон Республикаси Еввойи ҳайвонлар марказининг ютуқлари (Ю. Арилов) ҳақида Россиялик ҳаммасблар маълумот беришди. Г. Эрденов («Черные земли» биосфера кўриқхонаси) мониторинг олиб бориш дастури доирасида олинган сайғоқ экологиясига оид маълумотлар билан таништирди. В. Вознесенская (РФА экология ва эволюция муаммолари институти) Қалмоғистон Республикаси Еввойи ҳайвонлар маркази мутахассислари билан биргаликда олинган, бўғоз урғочилар гормонларининг текшириш натижаларини билдирди.



Сайғоқ бўйича кенгаш иштирокчилари. Чапдан ўнга: В. Неронов, А. Хлуднев, Н. Арилова, Ю. Арилов, А. Лушчекина, А. Бекенов, Р. Меджидов, В. Вознесенская, А. Кюл, Г. Эрденов, Э. Дж. Милнер-Гулланд, Т. Айлетт, А. Есипов, Ю. Грачев, Д. Маллон, Е. Бикова

Шу билан бирга Қозоғистон олимлари (ҚР ТФВ Зоология институти) томонидан 2005 йилда ўтказилган авиаучетлар ва Устюрт платосида туллашни ўрганиш асосида олинган охириги маълумотлар эшитилди. Ю. Грачев. В. Украинский (Қозоғистон Аграр университет) Бетпак-далада маҳаллий аҳолининг сайғоққа бўлган мўносабатини ўрганиш бўйича хабар бердилар. Т. Айлетт (Флора ва Фаўна халқаро фонди) Устюрт платосида аҳоли яшаш пўнктларида кичик грантлар программасини ривожлантиришни таклиф этди.

Е. Бикова, А. Есипов (Ўзбекистон) презентацияси, сайғоқлар қишда кўчиб ўтадиган, Устюрт платосининг жанубий қисмидаги ижтимоий ва экологик вазиятдан хабар берди. Бу билан бирга, туеклилар бу ерда йил мобайнида учрашини ҳам тасдиқладилар. Д. Маллон (МСОПнинг антилопалар бўйича мутахассислар гуруҳи) ва В. Неронов (ЮНЕСКО, МАБ Россия қўмитаси) сайғоқни сақлаш жараенидаги халқаро ҳаракатлар тўғрисида информация бердилар. Шунингдек, лойиҳалар доирасида тадқиқотлар олиб борган еш олимлардан А. Вознесенская (Москва), Н. Арилова (Элиста) ва А. Кюл (Лондон)ларнинг хабарлари эшитилди. Учрашувда А. Мисаилов ва И. Шпиленокларнинг "Сайғоқ - чўл кармаси" кинофильми кўрсатилди.

Дарвин Ташаббуси ва ИНТАС лойиҳалари бўйича қўшимча информация учун [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk) ва [www.iccs.org.uk](http://www.iccs.org.uk), Э. Дж. Милнер-Гулландга мурожаат қилинг.

### Россияда бўлиб ўтган кенгаш иштирокчилари, сайғоқни сақлаш бўйича шошилинч чоралар қабул қилиш зарурлигини янада таъкидлаб ўтдилар

2005 й. 3-4 июн кўнлари Москва вилояти, Королев шаҳрида "Россия еввойи ҳайвонларининг шифқатсиз эксплуатацияси: муаммолар ва ечимлар" Умум Россия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда "Сайга-антилопасини сақлаб қолиш тўғрисида"ги резолюция қабул қилинди. Россия фаўнасининг йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остидаги турлардан бўлган сайғоқни сақлаш бўйича тезкор чоралар қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

РФАнинг биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича комиссияси ва РФА қошидаги Териология жамияти билан биргаликда "Россияда сайғоқни парваришlash ва кўпайтириш тажрибаси" мавзусида иш кенгаши ўтказди (Москва, 2005 й. октябрь). Кенгаш иштирокчилари сайғоқни парваришlash ва кўпайтириш тажрибасини умумлаштириш билан бирга питомниклар шароитида сайғоқни сақлаш бўйича келаси ишлар стратегиясини ишлаб чиқдилар.

Иккала кенгаш бўйича информацияни <http://www.saigak.biodiversity.ru/> дан олишингиз мумкин.

### АҚШнинг балиқ ва еввойи қушлар хизмати Россияда сайғоқни сақлаш бўйича қилинаётган ҳаракатларни қувватлайди

2005 й. 22 июнь куни АҚШнинг балиқ ва еввойи қушлар хизмати "Черные земли" биосфера кўриқхонаси егерларини радиостанция ва дала усқўналари билан таъминлаш; кўриқхона атрофига чегара белгиларини ўрнатиш ва Қалмоғистон, Яшқўл туманидаги сайғоқ питомниги территориясида ташриф-марказ қўрилиши лойиҳаларини маблағ билан қисман таъминлаш учун 23 400 долларлик грант тақдим этишини эълон қилди.

Батфисил [http://usembassy.ru/embassy/releaser.php?record\\_id=48](http://usembassy.ru/embassy/releaser.php?record_id=48) да



"Яшқўл" сайғоқ питомниги территориясида янги қўрилган ташриф-марказ. А. Лушчекина олган сурат

### Сайғоқ янги хомийга эга бўлди

Этиборли миллий ва халқаро ташкилотлар билан бир қаторда, сайғоқни сақлашга, Қалмоғистонда нефт ва газ конлари қидириш ишларини олиб боровчи "ИТЕРА" компанияси ҳам қўшилди. Компания сайғоқларни тутқинликда кўпайтиришга мўлжалланган маҳсус питомникка Қалмоғистон ҳукумати томонидан ажратилган 800 гектар майдонни ободонлаштиришга маблағ ажратди. "ИТЕРА"нинг матбуот-хизмати хабар беришича, сайғоқнинг қалмоқ популяциясини сақлаб қолиш муаммоси - компания экологик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлиб қолади. Батафсил <http://www.tver13/org/archive/archive.htm> да

### Россияда сайғоқ тўғрисида янги хужжатли фильм кўрсатилди

Бу йил россиялик документалистлар Александр Мисаилов ва Игорь Шпиленокларнинг "Сайғоқ - чўл кармаси" фильми чиқди. Сайғоқлар тақдири чўл тақдири билан чамбарчас боғланган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Сайғоқларнинг ялпи қирилиши ва қўриқларни шудгорланиши иккисига ҳам хавф туғдирди. Филмга браконьерлар, муҳофаза назоратчилари ва маҳаллий аҳолининг монологулари, кинохроника кадрлари ва таъсирли шеърят киритилган. Жониворлар тақдири инсон тақдири билан қаттиқ боғланганлиги ва одамзоднинг тижорат иштахасига қарамлиги тўғрисидаги таъсирли ҳикоя томошабинларни эътиборсиз қолдирмайди. Биринчи бор филм жамоатчилик вакилларига 2005 й. августда Еввойи табиатни муҳофаза қилиш марказида, сўнг Қалмоғистон телевидениеси орқали кўрсатилди. Батафсил <http://www.biodiversity.ru/programs/saigak/news/061005.html> да

### Россия божхона хизматчилари Монголияга сайғоқ шохларини ноқонуний олиб чиқишни тўхтатиб қолдилар

2005 й. 12 август куни Байкалорти, Наушкинский божхонаси хизматчилари вази 11 кг бўлган 67та сайғоқ шохларини Монголияга ноқонуний олиб чиқишни тўхтатиб қолдилар. Шохлар Монголия фуқаросидан мусодара қилинди. Ушбу далиллар асосида молнинг кийиматидан уч баробар кўп жарима солишни ва бир вақтлик мусодарани назарда тутилган "РФ божхона чегарасидан молларни ноқонуний ўтиши" моддаси бўйича административ иш қўзғатилди. Батафсил [http://www.amic.ru/news/?news\\_id=687](http://www.amic.ru/news/?news_id=687) да

### Браконьерлар тегишли жазо олдилар

2005 й. ноябрида Актюбинск вилояти ДВД табиатни муҳофаза қилиш полиция ва ўрмончилик хўжалиги хизматчилари билан биргаликда Шолкор туманининг Бозой қишлоғи атрофида Сайғоқларни ноқонуний овлаётган икки браконьерни қўлга туширдилар. Улар иккита сайғоқни ўлдириб, давлатга 600 минг тенге (4,4 минг АҚШ дол. якин) зарар етказдилар. ҚР ЖКнинг 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди, овчилар кетиб қолмаслик ҳақида тилхат бердилар.

Умуман олганда, йилнинг бошидан полиция хизматчилари томонидан сайғоқни ноқонуний овлаш ҳолати 7 марта аниқланди. Ҳамма далиллар асосида жиноий ишлар қўзғатилган. Шундай қилиб, 2005 й. июн ойида Қозоғистон территориясининг Устюрт платосида ноқонуний ов қилган икки Ўзбекистон фуқаросига, Шолкор туман суди ҳукм чиқарди. Тақиқланганига қарамай, чет элликлар 9та сайғоқни олиб олишган ва бу қилмишлари учун 2 йилга озодликдан маҳрум бўлиш 1,4 млн тенге (10,4 минг АҚШ дол. атрофида) жарима тўлашга ҳукм қилинган. Батафсил <http://www.earthwire.org/kz/account.cfm> да



Назоратчилар гуруҳи. ДЖ.-Ф. Лагрот олган сурат

### Қозоғистонда сайғоқни сақлаш бўйича программа қабул қилинди

Ҳукумат қарорига (2005 й. 25 мартдан, №267 сонли) биноан ҚР ТФВ Зоология институти ва ҚР ҚХВнинг ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитаси биргаликда ишлаб чиқилган "2005-2007 йилларга мўлжалланган сайғоқлар, ноёб ва йўқ бўлиб бораётган туеқли ҳайвонлар турини сақлаш дастури"ни тасдиқлади. Вазирнинг айтишича, бу программани амалга ошириш учун, бу йил республика бюджетидан 180 млн тенге (1,3 млн АҚШ дол. атрофида) микдоридан пул ажратилади.

## Матбуот шарҳи

**Хитой:** China Daily, 2005 й. 31 май

### Йўқолиб бораётган тур икки томонлама ердан олмоқда

Анъанавий Хитой Медицинаси (TCM - Traditional Chinese Medicine) ва табиатни муҳофаза қилиш структурасининг вакиллари сайғоқни сақлаш йўлларининг музоқарасига йиғилдилар. Учрашув иштирокчилари фақатгина экологик сабаблар туфайли камайиб кетган сайғоқ популяциясини тиклаш соҳасидаги биргаликда қилинадиган ишлар тўғрисидагина эмас, балки ТCMнинг турғун ривожлантириш бўйича келишиб олдилар. "Биз сайғоқ шохларини ТCMда қўлланилишини назорат остига олишимиз керак. Ноустувор фойдаланиш бир кўн Сайғоқларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин", деди ТCM Хитой ассоциациясининг раҳбари Чжан Фақуй.

Охириги йилларда Озиқ-овқат ва дори воситалар Давлат Кўмитаси гипертония ва шамоллашни даволашда асосий компонент сифатида сайғоқ шохларини ишлатиш бўйича ТCMнинг янги тавсиялар пакетини мақуллади. ТCM Хитой Академиясининг асосий назария институти билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бораётган проф. Чжоу Чаофаннинг фикрича, сайғоқ шохларининг бундай кундалик касалликларда қўлланилиши, сайғоқ шохларига бўлган эхтиезни янада оширади ва хавф остида бўлган турнинг ишлатилиши янада ортади. Сайғоқ шохлари фақатгина энг хавфли касалликларда қўлланилиши керак ва қўлланишни бошқа ҳолатлари қаттиқ назорат остида бўлиши керак. Шу кундаги тангликни ечиш учун, табиат муҳофазаси соҳасида ишлаётган А. Кан, сайғоқ шохлари ўрнига хавф остида бўлмаган турлар шохлари ва синтетик ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишни тавсия этади.

Хитойдан ташқарида сайғоқ сонини кескин камайиб кетишининг бош сабаби Марказий Осиё камбағал қишлоқ аҳолиси томонидан ўта овланишидир. Сайғоқ эркагини овлаган браконьерлар, шохларни 1 килограммини 100 \$дан сотиб, яхши даромад оладилар. Охириги йилларда Хитой божхонасида сайғоқ шохлари контрабандасини тўхтатиб қолишнинг 15 ҳолати учраган, деб хабар беради Хитой ОАВ. Сайғоқ шохларини ТCM препаратларида ишлатиш амалиётига 2000 йилдан ортқ. Узоқ вақт антилопалар шохлари ичида сайғоқ шохлари энг фойдали деб ҳисобланган. Шу боис, сайғоқ йўқ бўлиб кетиш хавфи остида тургани ҳақидаги хабар ТCM экспертларини хаяжонга солди. Шу билан бирга табиий ва синтетик ўрнини босувчи моддаларнинг ишонарлиги ТCM мутахассисларини ташвишга солмоқда.

2001 йилда тадқиқотчилар баъзи бир препаратларда уй эчкиси шохларини сайғоқ шохлари ўрнини босишини аниқладилар. Еввойи популяцияларнинг колганини ишлатишни камайитиришнинг бошқа йўли медицина эхтиезлари учун жониворлар кўпайтириш фермаларини ташкил этишга Қозоғистон ва Россиядан Сайғоқларни интродукция қилиш.

Чжи Юн

Тулиқ нақли [http://www.china.com.cn/english/doc/2005-05/31content\\_447068.htm](http://www.china.com.cn/english/doc/2005-05/31content_447068.htm) да

Ўзбекистон: Tribune-uz, 2005 й. 22 август

### Сайғоқлар ва одамлар ҳақида

... Қонга беланган ер баҳайбат қушхонани эслатарди. Янги 2005йил кириб келишига икки ҳафта қолганида одамлар, яхши даромад олиш илмижисиди, ожиз ҳайвонларни жазолашди ва . . . ўз авлодларини тирик реликтларни кўриш умидидан маҳрум этдилар. Ўтган қишда, Қўнград-Бейнеу темирийўл магистрали яқинида, иссиқ яшаш жой ахтариб кўчиб ўтган юзлаб Сайғоқлар яқиндан отиб ташланди. Тилсиз жониворларнинг ҳимоясига турадиган ҳеч ким бўлмади. Браконьёрликнинг ўз сабаблари бор. Вояга етган эрқаги шохларининг 1 килограмми 30 \$дан 70 \$гача баҳоланади ва уларга Малайзия, Сингапур, Хитойда чекланмаган эҳтиёж бор.

Зоологлар дод солмоқда: вояга етган эрқаги деярли ҳаммаси кириб ташланган (3 ешдан ошган эрқаги ҳозирги кунда умуман учрамайди!), еш эрқагининг шохлари олинмоқда.

Қўма-қўл, даллоллар орқали шохлар Қозоғистондан Хитойга бориб етади ва бу ерда нарҳи ўн баробар ошади. Илгари, фақат шохлар қийматга эга эди, ҳайвонлар танаси жойларда ташлаб кетилар эди. Аммо охири йилларда, ҳаёт фаровонлиги кўтарилмагач, сайғоқ гўшти учун ҳам ов қилинмоқда. Бутун Устюрт бўйлаб бир килограмм гўштининг нарҳи 800 сўмдан 1500 сўмгача (0,8-1,5 АҚШ дол.) тебранади. Эҳтиёж мустаҳкам, браконьёрлар сайғоқни битта қолмагўнча қирадилар.

Тугриси айтганда, "қозоқларнинг" "ўзбекларга" қилган таънаси адолатлидир, чунки фақат Қозоғистон томони бизнинг умумий сайғоғимизни муҳофаза қилмоқда, биз, "ўзбеклар" эса қишдан қишга уларнинг оғир меҳнати меваларини йўқ қиламиз (ўртача олганда Устюрт популяциясининг учдан бир қисми бизнинг территориямизда қишлайди).

Олимлар тадқиқоти қизиқарли фактларга олиб келди. Одамлар платода 30 йилга яқин ўтрок яшайдилар, улар турли жойлардан келганлар. Устюрт территорияси - азалдан сайғоқларнинг ери бўлганлиги ҳақида ҳеч ким гапириб бера олмайди. Улар ўзлари билан совет ҳаёт тарзи билан трансформацияланган маданиятни олиб келган. Аммо бу чорвадорларни табиат ходисаларига кучли боғлиқ бўлганлигини англатадиган кўчманчилар маданияти эмас.

Бироқ, муаммонинг ечими бор. Россия ва Қозоғистон бунинг яхши мисолидир. Ўзбекистон иштирок этаётган халқаро лойиҳалар ҳам амалга ошмоқда. Муаммонинг ечимиди манфаатдор шахслар бор. Буни ривожлантириш зарур, тавсиялардан уларнинг амалий қўлланишига ўтиш зарур. Бунинг учун жамият ва ҳукуматнинг ердами керак. Амалда-чи?



Сайғоқларнинг шохлари чопилган бош суяклари. Шарқий чинк, Устюрт. А. Есипов сурати

Одамлар учун браконьёрлик - омон қолишнинг йўлларида бири. Ов ва сотишнинг ҳоқимият томонидан назорати йўқлиги халқни йўлдан оздирди ва тижоратни кўнчилдагидек қилди. Устюртнинг ҳар бир посёлкасида ўз браконьёрлар бригадаси "ишлайди" Қорақалпоғистон посёлкасида аҳолида юздан ортиқ мотоцикл бор.

... бутун Қўнград-Бейнеу магистрали бўйича ва посёлкалар атрофида замонавий ваҳшийлар изларини топса бўлади - сайғоқларнинг анъанавий миграция йўли ўтадиган Устюртнинг шарқий қисмини суяклар қоплаган: бирталай шохлари чопилган бош суяклари, бутун остовлар. Худди динозаврлар мозори каби, реликт антилопалар суяклари оқариб етади. Посёлкалар аҳолиси, гўзалликни ўзини, ҳаётларини бир қисмини ўлдираётганини билишни истамай, йил мобайни сайғоқни овлайдилар. Сайғоқларнинг сийраклашиб бораётган тўдалари Устюрт бўйлаб бошпана қидириб тулганмоқда.

Сергей Наумов

Тулиқ нақли [www.tribune-uz.info](http://www.tribune-uz.info) да

Қозоғистон: Казахстанская Правда, 2005 й. 12 сентябр

### "Чўл маликаси" ердамга мўхтож

*Она табиатни муҳофазаси, экология ва атроф-муҳитга ғамхурлик - республика миқёсидаги актуал вазифалар. Мажлис депутати Рауан Шакин «Давлат табиий-қўриқ фондини ривожлантириш истиқболи ва муаммолари» мавзусидаги эшитишлар ташаббускори бўлди. Бошқа муҳим саволлар билан бир қаторда сайғоқ популяциясининг тикланиши ҳам эшитишларда муҳокама қилинди.*

Депутатнинг фикрича, республикада сайғоқни тиклаш ишларининг натижаси бор. Биринчидан, давлат дастури Қозоғистондаги сайғоқнинг табиий популяциясини ўсишига тўғанок бўлган факторларнинг зарарли таъсирини минимал даражага олиб келди. ҳар йили сайғоқнинг овланадиган сонини тиклашга республика бюджетидан маблағ ажратилади. Умуман ноёб ва йўқолиб бораётган еввойи туеклилар турини ва сайғоқларни тиклаш ва муҳофаза қилиш дастурини амалга ошириш учун 2005 йилдан 2007 йилгача 686 млн тенге (5 млн АҚШ атрофида) ажратиш режалаштирилган. Дастур янги маҳсус қўриқланадиган ерларни тузиш билан бирга мавжуд бўлганларини, кордонлар ўрнатиш ва оператив бригадаларни кечаю-кўндузги навбатчилигини ўрнатиш билан боғлиқ реорганизацияси, сайғоқ муҳофазасининг бошқа чораларини назарда тутди. Сайғоқлар яшайдиган ва уларнинг миграция йўллари ўтадиган жойларда аҳоли билан пропаганда ва тушинтириш ишлари ўтказиш маълум рол ўйнади. Аҳоли фаровонлигининг ошгани ҳам муҳим фактдир. Браконьёрликнинг иқтисодий омиллари ҳанузгача кучли бўлса ҳам, одамлар сайғоқ отиш - овлашнинг аосий йўли деб ҳисобламай кўйдилар, чунки ишлашга имконият тўғилди. Аҳолини кўпчилиги чорвалик бўлди ва қишлоқларда сайғоқ гўштини қишга ғамламай кўйдилар. Кейинги йилларда божхона органлари шохларни республикадан четга олиб чиқиш назоратини профессионал ва сифатли бажармоқда. Бунинг ҳаммаси муаммони жиддийлигини қисман ечган бўлса ҳам, жониворларнинг сони қутилгандан хали анча узоқ.

Парламент эшитишлари натижасида ҳукумат учун бир қатор тавсияномалар ишлаб чиқилди. Жумладан, сайғоқни Қозоғистон Қизил Китобига киритиш ва Қараганда вилояти (Сарису д-си ўнг қирғоғи)нинг жануби-ғарбида майдони 6 минг кв. км дан кам бўлмаган давлат қўриқхонасини тузиш тавсия этилди. Бироқ, эшитишлар бўлиб ўтганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтдики, аммо ҳеч қандай ўзгаришлар бўлгани йўқ, чунки маҳаллий ҳоқимият экологик саволларнинг ҳал этилишида манфаатдор эмас. Сайғоқни сонини тиклашда давлат томонидан олиб борилаётган тадбирларни самаралиги асосан молиявий таъминланишга боғлиқ. Бу йўналишда маҳаллий бюджетларга маблағ ажратиш тақиқланмаган бўлсада, дастурларни амалга ошириш учун маблағ фақатгина Республика бюджетидан ажратилапти. Шакиннинг фикрича, сайғоқнинг сонини тиклашга ҳам давлат муҳофазаси бўйича тадбирларни, ҳам ҳайвонлар муҳофазасига қаратилган ижтимоий ҳаракатни ривожлантиришни камраб оладиган комплекс ендашиш зарур. Ўсаётган авлод билан маърифий, тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Бундан ташқари, сайғоқни тутқинликда кўпайтириш соҳасида илмий ишлар олиб бориш, миграция йўлларида ва қўзилаш жойларида маҳсус қўриқланадиган табиий ерлар тармоғини кенгайтириш, популяциянинг аҳоли мониторингини янада самарали тизимини яратиш зарур. Ўзбекистон ва Туркменистон билан халқаро мўносабат ўрнатилиши (чунки сайғоқ айнан шу мамлакатларда қишлайди) популяцияларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш соҳасида катта рол ўйнайди.

...Сайғоқни овлаш оқибатларини бартараф этиш йўлида энди биринчи қадам қўйилди. «Чўллар маликаси» аввалгидай ердамга мўхтож. Дастурга яқун ясалганда, 2007 йилда унинг натижалари ҳақида муҳокама қилса бўлади.

Тулиқ нақли <http://www.earthwire.org/cache.cfm?aid=96952> да.

## Илмий мақолалар

### Қалмоғистон республикаси еввойи ҳайвонлар маркази

Арилов Ю.Н.

Қалмоғистон Республикаси еввойи ҳайвонлар Маркази директори (Россия)

Сайғоқни генетик хилма-хиллигини сақлаш мақсадида ва унинг популяциясининг хавотирли аҳволини ҳисобга олиб Қалмоғистон Республикаси Президенти қарорига биноан 2000 йилда Шимоли-Ғарбий Каспийолди территориясида Еввойи ҳайвонлар Маркази яратилди. Бундай Марказнинг тузилиши Элистада 2002 й. май ойида сайғоқ муҳофазаси бўйича бўлиб ўтган халқаро кенгашнинг тавсияларини олдиндан кўриш бўлди. Марказнинг асосий вазифалари: сайғоқни кейинчалик табиатга қўйиб юбориш учун парваришlash ва кўпайтириш, илмий-таълим ва маърифат ишлари. Қалмоғистон ҳукумати Яшқул туманида питомник учун 800 га ер ажратди, бу сайғоқларни хозирни ўзида табиийга яқин шароитда кўпайтиришга имкон берди. Вольер ва бошқа объектлар қўришда, Ҳукумат ва республика турли ташкилотлари билан бир қаторда Мюнхен (Германия) ва Денвер (АҚШ) зоологик жамиятлари, Турғун уюшмалар Институти (АҚШ), Йирик ўтхўрлар бўйича Фонди (Нидерланд), АҚШ балиқ ва еввойи қушлар хизмати, ҳайвонот боғларига ердам бериш Фонди (Нидерланд), PTES (Буюк Британия), TNT Express - экспресс-етказиб бериш халқаро хизмати ва «ИТЕРА» нефт ва газ компаниялари томонидан катта ердам кўрсатилди.

Хозирги вақтда еши ва жинси ҳар хил бўлган 60 сайғоқ боқилаётган вольерларнинг умумий майдони 62 га. Марказ базасида сайғоқ бўйича гормонал, молекуляр ва генетик даражада чуқур тадқиқотлар олиб борилади, Россия ва халқаро симпозиум ва кенгашлар ўтказилади. Марказ мутахассислари янги туғилган ва ҳар хил ешдаги сайғоқлар учун ем-хашак миқдорини ишлаб чиқдилар. Бу еш сайғоқларни сут билан боқиш даврида халок бўлишини камайтирди. Хозирги вақт сайғоқларни тутқинликда кўпайтиришда амалий тажриба орттирилди, турли иммобилизация препаратлари синовдан ўтаяпти, сайғоқларни кўпайтириш технологияси мукамаллаштириляпти, ешларни бутлик даражаси ошиб, жониворларнинг травматик шикастлари минимумга етказилди. Марказ ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» дастури бўйича Россия кўмитаси, РҚХФА чорвачилик ИТИСи, РФА Северцов номли экология ва эволюция муаммолари институти ва бошқалар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Питомник шароитида Сайғоқлар устида гельминтологик, серологик, бактериологик ва биохимик изланишлар давом эттирилмоқда. РҚХФА чорвачилик институтида пас температура остида сақланаётган сайғоқ нариларининг уруғ банки яратилди. Дарвин Ташаббуси лойиҳаси вазифаларига мувофиқ, бизнинг Марказ базасида сайғоқларни тутқинликдаги ҳаётининг хусусиятларини ўрганишга ҳамма шароитлар яратилган, бунда Қалмоғистон Давлат ун-ти аграр ва биология факультетлари, аграр коллеж ва бошқа ўқув муассасалар талабалари актив иштирок этмоқда. Сайғоқлар экологиясини ўрганиш билан бирга, Марказ ходимлари агросистемаларнинг ўнумдорлигини оширига ва «Черные земли» территориясини тургин ривожланишини таъминлашга қаратилган илмий изланишларда иштирок этадилар. Бундай тажрибани биринчи этапи 2004 йилда ЮНЕСКОни Москва бюросининг молиявий кўмагида А. Н. Костяков номли Гидротехника ва милиорация ИТИ (Москва)ти билан биргаликда Марказнинг тажриба майдонларида бошланди. «Табиий яйловларни ўнумдорлигини ошириш ва экологик тикланиш методларини ишлаб чиқиш» лойиҳасининг натижалари туман маъмуриятини қизиқтириб қолди, ва келажакда яйловларда еввойи ва уй ҳайвонлари кўпроқ истеъмол қиладиган ўсимликларни уруғини олиш учун қўшимча участкалар яратишга имкон тўғилди. Яйловларни ўнумдорлигини ошириш ва бу ерда еввойи ва уй ҳайвонларини ўтлатиш - маҳаллий аҳолини фаровонлигини оширишнинг яна бир йўли, буни Дарвин Ташаббуси лойиҳаси ҳам мулжаллаган. Дарвин Ташаббуси, ИНТАС ва PTES кўмагида бўлган сайғоқни ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича халқаро лойиҳаларнинг бажарилишида Марказ етакчи шериклардан бири.

Сайғоқларнинг Европа популяциясини сақлашдаги вазият фақатгина аҳолининг ҳамма табакалари иштирокида яхши томонга ўзгариши мумкин. Бундан келиб чиқадики, сайғоқлар тарихи, уларнинг тарқалиши, сони динамикаси, бу турдан фойдаланиш, шунингдек сайғоқларни Россия ва чет элда сақлаш бўйича дастур ва чора тадбирлари билан одамлар таниша оладиган жойларни ташкил этиш жуда муҳим. Қалмоғистон Республикасида аҳолига билим бериш жойлардан бири бизнинг Марказдир. Сони кўпайиб бораётган қатновчиларни кўтиш ва маҳаллий аҳоли билан алоқада бўлиш учун, Йирик туёқлилар бўйича Фонд ва АҚШ балиқ ва еввойи қушлар хизмати кўмагидаги ташриф-марказнинг кўрилиши деярли тугади. Ташриф-марказ аънаввий қалмоқ қурилма - кибиткада (монгол юртасини эслатади) жойлашган, бу ерда сайғоқни чўл экосистемаларидаги роли ҳақида аҳолига маълумот етказишни қучайтириш ва маҳаллий аҳолининг фаровонлигини оширишга жоиз ҳамма керакли нарса бўлади. Бу ерда информацияцион материал, расмлар жойлаштирилади. Видеофилмлар кўрсатиш режалаштирилган. Браконьерлик ва табиат муҳофазаси бўйича қонунларнинг бошқа бузилишларига оид материаллар сезиларли ўрин эгаллайди. Бундан ташқари бу ерда қалмоқ халқининг тарихи ва Марказнинг яратилиши бўйича ҳам материаллар бўлади. Ташриф-марказ қошида фотоматериал, буклет, плакат ва Қалмоғистоннинг узоқлашган жойларида видеофилм кўрсатишга ижозат берадиган ускуналардан иборат бўлган кўчма экспозиция ташкил этилади.

Қўшимча ахборот учун [kalmsaigak@elista.ru](mailto:kalmsaigak@elista.ru) Қалмоғистон Республикаси еввойи ҳайвонлар Маркази директори Ю. Н. Ариловга мурожаат қилинг.



Питомник вольерларидаги сайғоқлар қўзилаш олдида минерал қўшимчалар, витаминлар ва консерваланган емлар олмоқда. А. Лушчекина сурати



Қалмоғистон Давлат ун-ти Биология факултетти талабалари сайғоқларни куйкиши даврида кузатмоқдалар. А. Лушчекина сурати



Яшқул кўп профиллик гимназия талабалари - сайғоқ питомниги дустлари. А. Лушчекина сурати

## Хитой, Гансуда йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида бўлган турларни кўпайтириш Марказида

Аили Кан<sup>1</sup>, Сюй Тзэньян<sup>2</sup>

<sup>1</sup>WCS-хитой, <sup>2</sup>Гансуда йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида бўлган турларни кўпайтириш Маркази



Гансудаги Марказ 1987 йилда тузилган. У Цилян тоғларининг шимолга қараган қиялиги ва Тенггер даштининг жануби-ғарбий чеккаси орасида жойлашган (37.9 ш. к., 102.9 ш.у.) (харитадан кўринг). Бу ер денгиз сатхидан 1766 м тепада жойлашган ва кўп кумтепалар билан ҳарактерланади. Иқлими континентал, мўтадил-қуруқ. Ўсимликлар дунеси Graminea, Chenopodiaceae ва Pailionaceae (Liu, 1993, 1996a, 1996b) оилаларига мансуб 116 турдан иборат. Марказ майдони - 170 минг га атрофида. Гансу, Лянчжоу вилоятлари ҳокимияти ва Гансу провинцияси ўрмончилик хўжалиги вилоят кўмитасининг қарамоғи остида. Бу ерда 49та одам ишлайди. Маъорифга оид дастурлар ўтказиш учун майдони 700 кв.м бўлган музей қурилмоқда. Марказда ҳайвонларнинг 45 тури (380 бош) парваришланади. Асосийларидан: сайғоқ, Пржевалский оти, еввойи туя, монгол қулони (жигетай), тибет қулони (кианг), такин, тибет дзерени ва бошқалар. Вольералар майдони 5850 кв. м атрофида.

ХХР анъанавий медицина бўйича Давлат кўмитаси ва ХХР ўрмончилик хўжалиги Давлат кўмиталари турни тиклаш мақсадида, сайғоқни реинтродукция қилиш бўйича лойиҳа ўтказмоқда. Дастлаб 1988 йилда Берлин ҳайвонот боғи (Германия) ва Сан-Диего (АҚШ)даги ҳайвонот боғларидан 12 бош тутқинликда ўстирилган жонивор олиб келинган эди.

Сайғоқни кўпайтириш бўйича изланишлар 1988-1993 ва 2001-2003 йилларда олиб борилган. Кузатишлар фаоллик ритмлари, эркак сайғоқларнинг куйкиш давридаги ва урғочиларининг эструс ва кўзилаш давридаги хулқини ўрганишдан иборат бўлган (Tan et al. 1994a, 1994b, 1994c, Kang et al. 2001). Бу даврда сайғоқлар 23x30 м бўлган вольерада сақланиб, хизматчилар томонидан кўшимча озиклантирилган. 1992 йилда Сайғоқлар вольераси 27 га гача кенгайтирилиб, жониворлар эркин озикланиш имкониятига эга бўлди. 2004 й. қиш мавсумигача сайғоқлар сони 29 бошдан иборат эди. 2005 йил май ойида яна 16та сайғоқ дўнега келди. Шундай қилиб гуруҳнинг умумий сони 40 бошдан ошди. Сайғоқни кўпайтириш Марказининг келаси бир неча йилга бўлган биринчи даражали йўналишларига мавжуд гуруҳ сонини кўпайтириш, генетик мониторинг ўтказиш ва тутқинликда ўсган сайғоқларни кўпайишни ўрганиш киради. Марказ илмий ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан информацион алмашув ва моддий-материал базани яхшилашга қаратилган ҳамкорликни ўсишига умидвор бўлиб қолади.

Кўшимча информация учун [ygling@online.sh.cn](mailto:ygling@online.sh.cn) Аили Канга (Aili Kang) мурожаат қилинг.



Сайғоқ эркакларининг жанги. Хитой, Гансудаги кўпайтириш Маркази. А. Кан сурати

## Гоби-Олтойда сайғоқнинг аҳволини баҳолаш

Джоп ван де Власаккер

Йирик ўтхўрлар бўйича Фонд



Монгол сайғоғи - Монголияга эндемик бўлган сайғоқнинг кенжа тури. Охириги аср мобайнида монгол сайғоғининг ареали 80 фоиздан ортиқроқ қисқарди. Хозирги кунда бу кенжа тур фақатгина Ғарбий Монголияда, Кобдос ва Гоби-Олтой аймоқларида учрайди. Яшаш жойларининг қисқариши, уй чорваси билан рақобатчилик, безовталаниш омилли, оғир об-ҳаво шароитлар, шохлари ва гўшти учун браконьерлик монгол сайғоғига асосий хавф туғдирди. Яхши ўтлоқ ва сувлоқларга уй чорваси билан рақобат туфайли антилопалар яшашга ўнча тўғри келмайдиган жойлардан фойдаланади. Уй чорвасини яйловда хаддан ташқари ўтлатиш ва узок муддатли езуқ қурғоччилиги, қаттиқ қиш вақтида ялпи очарчиликка олиб келадиган, яйловларнинг паст махсулдорлигига сабаб бўлади. Шу билан бирга, шохлари ва гўшти учун нолегал овлашнинг давом этиши сабабли, кенжа тур бутунлай йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида турибди.

1998-2001й. йирик ўтхўрлар бўйича Фонднинг - LHF (Ўтмишда йирик ўтхўрлар бўйича ташаббус) ердамида WWF-Монголия бу хавфларни бартараф этишга йўлланган «Монгол сайғоғини муҳофаза қилиш» лойиҳасини амалга оширди. WWF-Монголия маҳаллий ҳокимият - сайғоқ ареалида жойлашган сомонлар раҳбариятининг кўллашга кафолатини олган холда, сайғоқни қишқи кўшимча озиклантиришни йўлга қўйди ва хозирги кунда, 9 одамдан иборат бўлган, самарали назорат тармоғини ташкил этди. Битта назоратчига 120-140 минг га ер майдони тўғри келганда ҳам браконьерлик деярли тўхтатилди. 2000 йилда браконьерлик даражаси пасайиши ва илиқ қишлар даврида сайғоқ популяцияси 5300 бошга етди. Бироқ, 2003-2004 йиллар тадқиқотлари сайғоқ сонини 2003 йилда -1020, 2004 йилда - 750 бошгача камайиб кетганини кўрсатди. Хозирги вақтда популяциянинг сони 1550 бош (иккита суб-популяцияда тегишлича 1500 ва 50 бошдан ) деб баҳоланган. Экспедиция мобайнида биз 150 бош сайғоқни 1-2 км бўлган масофадан кузатдик. Бу ерда инсон аралашувининг излари ҳам топилди.



Дж. Ван де Власаккер ва сайғоқ бўйича лойиҳа раҳбари Туев Л. команда билан (юкорида); қочиб кетаётган монгол сайғоғи урғочиси (пастда). Дж. Ван де Власаккер сурати / Flaxfield Nature Consultancy

Сайғоқни популяцион кўрсаткичлари кучли ўзгарапти ва hozirги замонда уй чорваси билан рақобат сабабли чекланган қиш яйловларининг сифатига боғлиқдир. Бундан келиб чиқадики, сайғоқ ареалида уй чорвасини ўтлатишни чеклаш керак. Шунингдек браконьерлик ва янги ҳолат - «эрмак» учун ов қиладиган, джип ва замонавий қуролга эга бўлган бадавлат одамларнинг браконьерлигини тўхтатиш чоралари зарурдир.

Молиявий таъминотнинг танглиги сабаб, 2005 йил июн ойидан бошлаб назоратчиларга маош тўланмапти. Шунга қарамай, улар шахсий ва маҳаллий жамоага қарашли мотоциклларда назоратни давом эттишмоқда. Ёқилғини етмаслиги сабабли назорат ойига икки мартагина ўтказилапти. Шундай қилиб, назоратчилар мотоцикллар ва ёқилғига, алоқа воситаларига, ўз-ўзини ҳимоялаш қуролига, формали кийим ва таълим материалларига мўхтождир. Назоратчилар Монголиянинг табиат мероси сифатида, сайғоқни сақлашга пухта тайёрланганлар. Манфаатдор шахслар билан жойларда ҳамкорликни ривожлантириб, бу муаммоларнинг ечими билан шуғилланиш зарур. Шунинг учун 2005 й. WWF-Монголия қуйидаги лойиҳага ташаббускорлик қилди ва унинг вазифалари қуйидагича: 1. Монгол сайғоқини бошқариш тизимини тузиш; 2. Алоқа ва маърифат стратегиясини ривожлантириш; 3. Давлат ташкилотлари ва маҳаллий аҳолини рағбатлантириш дастурини амалга ошириш; 4. Қонунларни яхшилаш.

WWF-Монголиянинг табиатни муҳофаза қилишдаги олдинги ишларининг ажойиб натижаларига таянган ҳолда, LHF Гоби-Олтойда монгол сайғоқини сақлаш бўйича ердамини давом эттириб, бу лойиҳа учун маблағ топишга киришди. WWF-Нидерланд ўз моддий ердамини кўрсатди, LHF ва WWF-Монголия эса лойиҳани иккинчи ярмини бошлаш учун устўнликларни аниқлади.

Қўшимча информация учун LHF табиат муҳофазаси бўйича менеджери Дж. Ван де Власаккер (Joep van de Vlasakker), [joep@largheerbivore.org](mailto:joep@largheerbivore.org); [www.largheerbivore.org](http://www.largheerbivore.org) мурожаат қилинг.

## Лойиҳалар шарҳи

### Марказий Осиёда экологик тармоқ (Эконет)ни яратиш

«Эконет Марказий Осиё» GEF-UNEP ўрта масштабни лойиҳаси яқўнланиш жараёнига кирди. Лойиҳа Марказий Осиё WWF режаси билан амалга оширилади. (ООПТ) ядровий системасини коридор ва буфер зоналарни ўз ичига оладиган, ООПТнинг мавжуд тармоқини социал-иқтисодий ривожлантириш, биохилма-хилликлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдалана бориб, экологик тармоқ тайёрлаш, шунингдек чизмасини космос орқали олинган суратларни оригинал услубда таҳлил этиш асосида шартли тасвир тайёрлаш лойиҳанинг асосий мақсади бўлиб қолади. Эконет шартли тасвирини расмий тасдиқлашни ва уни ООПТ тармоқини янада ривожлантириш учун ер майдони захираларини ташкил этишда асос сифатида қўлланиш, сайғоқларни асосий яшайдиган ҳудудларини ва уларни кўчиб юрадиган йўлларини келажакда муҳофаза қилиш имкониятини кафолатлайди.



Сайғоқларнинг Бетпақдала популяцияси яшайдиган майдонини хўжалик фойдаланишидан чиқариб бўлмайди, чунки у жуда катта майдонни ташкил этади. Сайғоқлар ёзги ва қишки яйловларга кўчиб ўтишда бир қанча масофани босиб ўтади, майдонларни хўжалик фойдаланишдан чиқариш зарурати йўқ. Сайғоқлар популяциясини турғўн ривожланиш ва сақланиши, табиатдан фойдаланишнинг мустаҳкам шакиллари билан қарама-қаршиликка киришмайди. Жумладан мол боқиш, ўрмон ва овчилик хўжалиги ва бошқалар. Ер майдонларини маълум қисмини узоқ муддатли арендага, (сайғоқлар эркин кўчиб юришларига тусқинлик қиладиган тўсиқлар кўрмаслик шарти билан) бериш мумкин. 2005 йил 4-5 октябр кўнлари Алматида ЭКОНЕТ лойиҳаларини бошқариш Қўмитасининг йиғилиши бўлиб, унда ишларнинг бажарилиш аҳволи ва ярим йиллик амалга ошириладиган лойиҳанинг аниқ режалари белгилаб олинди.

Қўшимча ахборот учун Марказий Осиё WWF программаси директори О. Б. Переладовага мурожаат қилинг, [Opereladova@wwf.ru](mailto:Opereladova@wwf.ru)

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ПРОЕКТ

S O S



САЙГА

SEIMAR SOCIAL FUND

### Қозоғистонда "SOS - сайга" лойиҳаси амалга оширилмоқда

«Seimar Social Fund» - хайрия фонди, Қозоғистон чўлларида сайғоқлар популяциясини муҳофаза қилиш бўйича, «SOS - сайга» экологик режасини амалга оширишга киришди. 2005 йил июн ойидан бошлаб, РККП «ПО «Охотзоопром», ҚР қишлоқ хўжалиги Вазирлиги, ўрмончилик ва ов хўжалиги Қўмитаси, ҚР ТВФ Зоология институтлари ердамида лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг мақсади кўриқхона ва миллий боғлар, НПО, ов назорати хизматларига сайғоқларни муҳофаза қилиш ва уларни кўпайишини таъминлашда мақсадга қаратилган ердам курсатишдан иборатдир. унинг вазифаси - сайғоқлар сонини ҳисобга олиш самарали тизимини йўлга қўйиш, браконьерларга қарши кўрашиш отрядлари ишига ёрдам кўрсатиш, мавжуд муоммаларни ОАВларда ёритиб бориш. «SOS-сайга» режалари доирасидаги фонд ўн донга «УАЗ» автомобили, йўлдош билан боғланиш қурилмаси, GPS позициялаштириш асбоблари ва рациялари олиш учун биринчи грант ажратди. Бундан ташқари, «Seimar Social Fund» маорифий тадбири чораларнинг бутун бошли циклини ишлаб чиқди. Муаммолар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш учун, илмий оммабоп фильмлар ва социал роликлар яратиш режалаштирилмоқда. Қўшимча ахборотлар учун «Seimar Social Fund» лойиҳалар координатори А.Сагинғалиевага мурожаат қилинг, [ali\\_sa2002@mail.ru](mailto:ali_sa2002@mail.ru)

### Шимоли-Ғарбий Каспий олдида сайғоқларни йўлдош орқали кузатиш

2004-2005 йилларда Қалмоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонлар Марказининг мутахассислари томонидан, Висконсин штати, Мэдисон университети, Чикаго зоологик жамияти ёрдамида, тутқўнликда ўстирилган 5 донга сайғоқ эркакларини радиоузаткичлар билан таъминлаб ёввойи табиатга бўшатиб юбориб, йўлдош ва ер устида кузатиш бўйича кичик бир экспериментал лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳанинг асл мақсади - тутқўнликда ўстирилган ҳайвонларни табиий шароитга қуниқиб имкониятларини аниқлаш, шунингдек уларни кўчиб юришини кузатишдан иборат эди. Сайғоқлар ёввойи подага мувоффақиятли қўшилиб, уларнинг урчишларида иштирок этдилар. Қуйиқиб даври тугагандан сўнг бир донга тажрибадаги эркак сайғоқни бўри ғажиб кетди. Визуал кузатишлар шуни кўрсатдики, айнан шу эркак 17 донга ҳар хил ёшдаги урғочилардан ҳарам ташкил эта олди. Қолган тўрттаси тирик ва улар йўлдош кузатувида.

Қўшимча ахборотлар учун Қалмоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонлар Марказининг директори Ю.Н.Ариловга мурожаат қилинг, [kalmsaigak@elista.ru](mailto:kalmsaigak@elista.ru)



Радиобўйинбоғлиқ сайғоқ эрқаги.  
Н. Буннефилд олган сурат.

## Янги нашриётлар

*Жирнов Л. В., Гунин П. Д., Адьа Я., Бажа С. Н.* Монголия арид зоналари туёқлиларининг сақлаш стратегияси. О.Шагдарсурэе ред. остида. - Москва, 2005. Т.45. - 323 б.

Китобда Монголия туёқлиларининг, шу жумладан сайғоқнинг ишлатилиши ва муҳофазаси, экологияси, биологияси соҳасидаги изланишлар натижаларининг энг тўлиқ маълумоти берилган. Монголиянинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларини тарихий анализи келтирилган, қўриқланаётган ерларнинг ҳозирги тизими қўрилган ва туёқлиларни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва уларни рационал ишлатиш бўйича ейиқ тавсиялар берилган. Қўшимча хабар учун Россия-Монголия комплекс биологик экспедициясига мурожаат қилинг [pgunin@online.ru](mailto:pgunin@online.ru)

*А. А. Данилкин* Ковак шохлилар (Bovidae) / Россия ва қўшни регионлар сутэмизувчилари. Москва: КМК, илмий нашриётлар ўртоғлиги, 2005. - 550 б.

Монографияда Россия ва чегарадош мамлакатлар фаунасининг ковак шохлилари бўйича маълумот берилган: филогенияси, систематикаси, ареал динамикаси, сони ва уни аниқловчи факторлар, яшаш муҳити, озикланиш, кўпайиш, популяция структураси, ишлатиш ва муҳофаза қилиш. Сайғоқ бўйича энг тўлиқ информация берилган. Контакт: КМК нашриети, [kmk2000@online.ru](mailto:kmk2000@online.ru)

*Неронов В. М., Лушчеккина А. А., Арилов Ю. Н.* Қуйи Поволжьеда сайғоқ популяциясини сақлаш ва тиклаш учун экосистемага оид ёндашиш // Поволжье экосистемаларининг биоресурслари ва биохилма-хиллиги: ўтмиши, ҳозирги куни, келажаги: халқаро кенгаш докл. тез. - Саратов: Саратов ун-ти нашриети, 2005. - 164-166 б.

Мақолада Евразияда сайғоқни сони ва ареалининг тарихий ўзгаришлари кўриб чиқилган. Қуйи Поволжьеда сайғоқни муҳофаза қилиш ва тиклаш вазифаларини ечишда Элистада (2002 й.) бўлган Халқаро кенгашда ишлаб чиқилган иш Режаси мўлжаллаган экосистемага оид йўл тавсия этилади. Контакт: Неронов Валерий Михайлович, [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru)

*Лушчеккина А.А., Неронов В.М., Бадмаев В.С., Хлуднев А.В.* Волга д. ўнг соҳилида табиатни территориял муҳофазасини ташкил этиш ва сайғоқни сақлаш перспективалари // Поволжье экологик ойномаси, 2005. №1. - 80-85 б.

Сайғоқни сақлашга Волга дарёсини ўнг соҳилида экологик тармоқ яратиш таклиф этилган. Бу тармоқ доирасида турли табиатдан фойдаланувчиларнинг ўзаро боғланишига вазифалар кўйилади. Контакт: Лушчеккина Анна Анатолиевна, [mab.ru@relcom.ru](mailto:mab.ru@relcom.ru)

*Мелдебекоев А.М., Бекенов А.Б., Грачёв Ю.А.* Сайғоқ Қозоғистонда: аҳоли ва перспективалари / ҚР ТФВ Зоология ин-ти меҳнатлари (зоологик-экологик тадқиқотлар) - Алмати, 2005. Т. 49. - 176-182 б.

Мақолада Қозоғистонда 1994-2004 й-ги сайғоқни ареалининг ва сони динамикаси бўйича маълумотлар кўриб чиқилган. Устюрт популяцияси мисолида турнинг репродуктив потенциали ва популяция структурасини таърифи берилган. Сайғоқнинг муҳофазасини яхшилаш учун муаллифлар муҳофаза ҳаракатчан гуруҳларини кучайтириш, махсус қўриқланадиган территориялар тизимини кенгайтиришни, жониворларни тутқинликда кўпайтиришни, экологик мониторинг тизимини ташкил этишни тавсия этадилар. Контакт: Бекенов Аманқўл Бекенович, [terio@nursat.kz](mailto:terio@nursat.kz)

*Меджидов Р.А., Каминев Ю.Б., Обгенова О.Б.* Маҳаллий аҳоли Қалмоғистонда сайғоқни сонини пасайиши ва унинг муҳофазаси имкониятлари // Чўл бюллетени, 2005. № 18. - 25-28 б.

Мақолада маҳаллий аҳолининг сайғоққа бўлган мўносабати, турни қисқараётганини сабаблари, шунингдек аҳолини сайғоқни муҳофазаси чораларидан хабардорлигини аниқлаш социологик сўроғининг натижалари ёритилган. Тадқиқотлар Қалмоғистоннинг Черноземельский, Яшкулский ва Юстинский туманларида ўтказилган. Браконьерлик сайғоқ учун асосий хавф эканлиги ва уни сабаб ва ҳаракатлантирувчи кучлари аниқланган. Контакт: Меджидов Руслан Абдулгалимович, [centercep@yandex.ru](mailto:centercep@yandex.ru)

*Бикова Е.А., Есипов А.В.* Ўзбекистонда сайғоқ популяцияси қисқаришининг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ва уни муҳофаза қилиш чоралари // Экологик хавфсизлик ва фуқаролик жамияти, 2005. № 6. - 31-38 б.

Ўзбекистондаги сайғоқ ареалида ўтказилган соцо-экономик текширишлар натижалари берилган. Текширишларнинг мақсади браконьерликни сабаблари даражаси ва ҳаракатлантирувчи кучларини, аҳолини сайғоққа бўлган мўносабатини аниқлашдан иборат. Устюрт платосини ўзбек қисмидаги аҳоли пунктини умумий ўрганиш ва Жаслик посёлкаси мисолида аҳволни детал ўрганиши натижасида ўтмишда шохлари деб, ҳозирда эса гўшти деб маҳаллий аҳолини браконьерлик қилаётгани сайғоқнинг қисқариб бараётганининг асосий сабаби деб аниқланди. Контакт: Бикова Елена, [esip@tkt.uz](mailto:esip@tkt.uz)

### SAIGA NEWSга обўна

Йиллик обўна (2 сон) индивидуал обўначига £10 (US\$20), ташкилотга £50 (US\$100).

Илтимос, Сизнингча муқобил бўлган нархни тўланг. Кейинги сонларда обўначиларга миннатдорчилик билдирилади.

Мен Imperial College, адреси бўйича Saiga Newsнинг . . . . . сонларига обўна учун . . . . . миқдорда юборилган пулга чек еки ўтказма квитанциясини илова қиламан.

Мен Saiga Newsни қуйидаги форматда олишни хоҳлар эдим (илтимос, белгиланг):

- электрон почта орқали pdf форматда
- websitenga таянган холда нашриёт ҳақида электрон почта орқали билдириш
- почта орқали матнда

Исми:

Манзили:

E-mail:

Илтимос, қуйидаги бланкни Division of Biology, Imperial College Manor House, Silwood Park, Ascot, SL5 7PY, UK. [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk) E.J. Milner-Gulland номига, ўтказилган тўлов билан юборинг.